



Tadqiqot.uz

ISSN 2181-0737

Doi Journal 10.26739/2181-0737

# МАДАНИЯТ ЧОРРАХАЛАРИ

4 ЖИЛД, 3 СОН

ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ

ТАМ 4, НОМЕР 3

CROSSROADS OF CULTURE

VOLUME 4, ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2022

# МАДАНИЯТ ЧОРРАҲАЛАРИ

ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ | CROSSROADS OF CULTURE

№3 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-0737-2022-3>

БОШ МУҲАРРИР:

ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:

CHIEF EDITOR:

Юсупова Марина Римовна  
санъатшунослик фанлари номзоди,  
доцент

Юсупова Марина Римовна  
кандидат искусствоведения, доцент

Yusupova Marina Rimovna  
candidate of art science, assistant  
professor

МАСЪУЛ КОТИБ:

ОТВЕТСВЕННЫЙ СЕКРЕТАРЬ:

EXECUTIVE SECRETARY:

Маматқосимов Жаҳонгир  
Абиркулович – PhD, доцент

Маматқасимов Джаконгир  
Абиркулович - PhD, доцент

Mamatkasimov A. Jakhongir –  
PhD, assistant professor

ТАҲРИР ҲАЙҶАТИ:

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

EDITORIAL TEAM:

Маврулов Абдухалил  
Абдулхаевич - тарих фанлари  
доктори, профессор

Маврулов Абдухалил Абдулхаевич  
- доктор исторических наук,  
профессор

Mavrulov Abdulkhalil  
Abdulkhaevich - Doctor of Historical  
Sciences, Professor

Иброҳимов Оқилхон Ақбаровиҷ  
- санъатшунослик фанлари  
доктори, профессор

Иброҳимов Оқилхон Ақбаровиҷ  
доктор искусствоведения, профессор

Ibrokhimov Okilkhon Akbarovich  
Doctor of Arts, Professor

Исақуловна Нилюғар Ҷаниқуловна - педагогика  
фанлари доктори, профессор

Исақурова Нилюғар Жаниқуловна  
- доктор педагогических наук,  
профессор

Isakulova Nilufar Zhanikulovna  
Doctor of Pedagogical Sciences,  
Professor

Нишонбоева Қундузхон Вахобовна -  
санъатшунослик фанлари номзоди,  
доцент

Нишонбоева Қундузхон Вахобовна  
- кандидат исторических наук,  
доцент

Nishonboeva Kunduzkhon  
Vahobovna - candidate of historical  
sciences, assistant professor

Хайтматова Сабоҳат Ағзамовна -  
санъатшунослик фанлари номзоди,  
доцент

Хайтматова Сабоҳат Ағзамовна  
кандидат искусствоведения, доцент

Khaytmatova Sabokhat Agzamovna  
- candidate of art science, assistant  
professor

Касимов Нозим Қазимович -  
филология фанлари номзоди,  
профессор

Касимов Назим Қазимович  
кандидат филологических наук,  
профессор

Kasimov Nazim Kazimovich  
candidate of filology science, Professor

Шермонов Элдор Уролович -  
педагогика фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

Шермонов Элдор Уролович –  
доктор философских наук (PhD) в  
области педагогических наук

Shermanov Eldor Urolovich – Doctor  
of Philosophy (PhD) in the field of  
Pedagogical sciences

Нарзуллаев Гулом Асадовиҷ -  
педагогика фанлари номзоди

Нарзуллаев Гулям Асадович –  
кандидат педагогических наук

Narzullaev Gulom Asadovich –  
candidate of Pedagogical Sciences

Худоев Гани Муҳаммадовиҷ -  
санъатшунослик фанлари бўйича  
фалсафа доктори, доцент

Худоев Гани Муҳаммадовиҷ доктор  
философских наук в области по  
искусствоведению, доцент

Khudoev Gani Muhammadovich  
Doctor of Philosophy (PhD) in the field  
of art sciences, assistant professor

Абдуҷаббарова Мусаллам  
Лапасовна – педагогика фанлари  
номзоди, доцент

Абдуҷаббарова Мусаллам  
Лапасовна – кандидат  
педагогических наук, доцент

Abdujabbarova Musallam  
Lapasovna – candidate of Pedagogical  
Sciences, assistant professor

Яқубов Баҳтиёр Чориевиҷ  
санъатшунослик фанлари бўйича  
фалсафа доктори

Яқубов Баҳтиёр Чориевиҷ  
доктор философских наук в области  
по искусствоведению

Yakubov Baxtiyor Choriyevich  
Doctor of Philosophy (PhD) in the field  
of art sciences

Турсунметова Робия Абдулла кизи  
- PhD таянч докторант

Турсунметова Робия Абдулла кизи  
- PhD докторант

Tursunmetova Robiya Abdulla qizi  
PhD researcher

Page Maker | Верстка | Сахифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

# **МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT**

## **1. Асрор ҚАЮМОВ**

ЎЗБЕКЛАРНИНГ ОИЛА ШАЖАРАЛАРИДА ГЕНЕАЛОГИК ЎЗЛИКЛАР.....4

## **2. Рашидов Асомиддин Зайниддинович**

МОДА ФЕНОМЕНИ: ТАРИХИ ВА РИВОЖИГА ДОИР АКТУАЛ ТАМОЙИЛЛАР.....9

## **3. Лизахан УРАЗМБЕТОВА, Гулбаҳар БЕКНИЯЗОВА**

ДРАМАТИКАЛЫҚ ШЫҒАРМАЛАР ҮСТИНДЕ ИСЛЕЎ.....15

## **4. Зарипова Марғуба Абидовна, Хайтова Зилола Патхуллаевна**

ЗАМОНАВИЙ ЛИБОС ДИЗАЙНИ СОҲАСИ РИВОЖИДА КОНЦЕПТУАЛ МОДА  
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ.....19

## **5. Pirnazarov Saubet Maxsetbayevich, Ayarov Salamat Baxievich**

JIRAWSHILIQ KÓRKEM ÓNERI – BIR AKTYOR TEATRI MISALINDA.....26

## **6. Robiya Rizayeva**

AKTYORLIK SAN'ATIDA GRIMNING BADIY AHAMIYATI.....30

## **7. Nazira PRIMBETOVA, Manzura ALEKEEVA**

QUWIRSHAQ TEATRINIŇ JASLARDIŇ TÀRBİYASINA TÀSIRI.....34

## **8. Dilnavoz SATTOROVA**

SA'DIY XORAZMIY LIRIK ASARLARI KO'CHIRILGAN MANBALARINING  
ILMIY TAVSIFI.....40

# МАДАНИЯТ ЧОРРАҲАЛАРИ

## ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ | CROSSROADS OF CULTURE

**Зарипова Марғуба Абидовна**

Камолиддин Беҳзод номидаги

Миллий рассомлик ва дизайн  
институти катта ўқитувчиси

**Хайтова Зилола Патхуллаевна**

Камолиддин Беҳзод номидаги

Миллий рассомлик ва дизайн институти ўқитувчиси

### ЗАМОНАВИЙ ЛИБОС ДИЗАЙНИ СОҲАСИ РИВОЖИДА КОНЦЕПТУАЛ МОДА ТЕНДЕНЦИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ



<http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7482993>

#### АННОТАЦИЯ

Сўнгги йилларда замонавий либос дизайни ривожида концептуал мода мазкур соҳанинг ривожланиш тамойилларига энг кўп таъсир ўтаказаётган тенденциялардан саналади. Мақолада концептуал моданинг шаклланиши, ривожи ва ҳозирги кундаги актуал принциплари ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** концептуал мода, тамойил, деконструктивизм, сюрреализм, функционаллик, замонавий мода тенденциялари.

**Зарипова Марғуба Абидовна**

Старший преподаватель

Национальный институт художества и дизайна  
имени Камолиддина Бехзода

**Хайтова Зилола Патхуллаевна**

Преподаватель

Национальный институт художества и дизайна  
имени Камолиддина Бехзода

### РОЛЬ КОНЦЕПТУАЛЬНЫХ ТЕНДЕНЦИЙ МОДЫ В РАЗВИТИИ СОВРЕМЕННОГО ДИЗАЙНА ОДЕЖДЫ

#### АННОТАЦИЯ

В последние годы концептуальная мода в развитии современного дизайна одежды является одним из направлений, оказывающих наибольшее влияние на принципы развития этой области. В статье описаны становление, развитие и современные принципы концептуальной моды.

**Ключевые слова:** концептуальная мода, тенденция, сюрреализм, современные тенденции моды.

**Marguba ZARIPOVA**Senior Teacher of the National Institute  
of Art and Design Kamoliddin Behzod**Zilola XAITOVA**Senior Teacher of the National Institute  
of Art and Design Kamoliddin Behzod

## THE ROLE OF CONCEPTUAL FASHION TRENDS IN THE DEVELOPMENT OF MODERN CLOTHING DESIGN

### ANNOTATION

In recent years, conceptual fashion in the development of modern clothing design is one of the areas that have the greatest impact on the principles of development of this area. The article describes the formation, development and modern principles of conceptual fashion.

**Keywords:** conceptual fashion, trend, surrealism, modern fashion trend.

Маълумки, сўнгги йилларда дизайн соҳаларининг ривожланиш тамойилларида замонавий технологиялар ривожи бекиёс аҳамият касб этиб келмоқда. Бу жараёнда нафакат замонавий технологиялар ва ихтироларнинг дизайн соҳалари, хусусан либос дизайнни соҳасига бўлган таъсири балки, ахборот алмашинув воситаларининг ўрни ҳам актуаллик касб этмоқда.

Сабаби, дизайн соҳаларининг ривожига ўз таъсирини кўрсатган тарихий анъаналар ва замонавий тенденцияларни ўзида акс эттириб келаётган концепцияларга доир илмий тадқиқотлар либос дизайннерлари ижодининг ўзига хослигини шакллантирувчи омил сифатида кун тартибидан ўрин олмоқда.

Хусусан, юртимизнинг мода соҳаси доирасида таълим олиб келаётган талабаларнинг замонавий либос лойиҳалаш жараёнларининг асосини ташкил этиб келаётган концептуал мода тенденциялари билан танишириш ва уларга бу борада амалий йўл йўриқлар кўрсатиш нечоғлик аҳамиятли эканлигини таъкидлаш ўринли албатта.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, либос концептуал мода тенденциялари доирасида костюм лойиҳалаш методлари – либос лойиҳаларини моделластиришнинг илк босқичи сифатида лойиҳада кўзда тутилган ғоянинг ривожлантирилган ва ҳал қилувчи аҳамиятга молик жиҳатларини шакллантириш ўналишларини ўз ичига олади. Хулоса қилиш лозимки, костюм лойиҳалашнинг концептуал босқичи – бу ғоянинг дизайннер онгиди шакллантирилаётган тизимли босқичи сифатида унинг келажакда амалий лойиҳалашдаги вазифа ва мақсадларини аниқлаш жараёнларига таъсир кўрсатади.

Масалан, дизайннер ўз олдига миллий анъаналар асосида замонавий либослар коллекциясини яратишни мақсад килди. Бу жараёнда лойиҳанинг илк босқичи ўзида ушбу тўплам либосларининг гўзаллик яратиш концепцияси (антифункционаллик) ёки аксинча функционаллик концепцияси асосида шакллантирилишини аниқлаб олишдан иборат. Бу жараёнда ҳар бир концептуал метод ўзида эстетик ёки функционал талабларни мужассамлаштиради.

Гўзаллик яратиш концепцияси асосида лойиҳаланаётган тўплам учун асос сифатида лойиҳалашнинг деконструктивизм тамойилидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлса, функционаллик концепцияси асосида лойиҳаланаётган тўплам учун эса прет-е-порте ўналиши доирасида шакллантириладиган муаллифлик ижодий контекстлари мос келади.

Замонавий мода саноатида муаллифлик ижодий концепцияларининг мазкур соҳа ривожидаги тутган юқори даражадаги ўрни ва актуаллиги ҳакида таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда жаҳон подиумларида муваффақиятга эришаётган костюм коллекциялари заминида дизайнерларнинг касб маҳоратлари асосида шакллантирилган концепциялари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб келмоқда.

Муаллифлик ижодий концепцияларининг ўзига хослиги авваламбор дизайннер мутахассисларининг индивидуал фикр доираси, дунё қарашига тааллуқли бўлган конструктив ва декоратив аҳамиятга молик элементларнинг тўплам моделларида шакллантиришни кўзда

тутади. Уларда лойиҳалаш маданийининг жамиятда хукм суроётган замонавий тенденцияларга доир факторларининг ҳам мужассамламтириши каби муҳим вазифаларни ўз ичига олади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган муаллифлик ижодий концепциялари таниқли дизайнер М.Маржъела ижодида яққол намоён бўлади. Маржъела ўз брендига асос солишдан аввалроқ мода саноатининг метри бўлган Жан Пол Готьенинг модалар уйидага ассистент вазифасида фаолият олиб борган.

Табиийки, мазкур жиҳат М.Маржъеланинг дизайнерлик фаолиятида ноодатий, авангارد услубига хос бўлган костюм коллекцияларини яратишига ҳамда мода оламида унинг “дизайнер-экспериментатор” номи билан аталишида катта аҳамият касб этган (1-расм).



**1-расм. М.Маржъела либос тўпламлари**

Шу билан М.Маржъеланинг костюм намойишларига хос жиҳатларни, яъни, мода дефилеларини вокзал, метро бекатлари, фабрикалар ҳамда турли хил жамоат жойларида ташкиллаштириб келаётган бошқа бир ёрқин концептуал фаолият олиб борувчи дизайнерлар қаторига В.Бейрендонкни ҳам киритиш мумкин.

Кутъюре прет-е-порте йўналишига олиб кирган авангارد, милитари, спорт, гламур сингари бир-биридан кескин фарқ қилувчи услубларнинг ягона коллекция моделларида шакллантирилиши асосида ёндашиши, ҳозирги кун мода истеъмолчиларининг индивидуал қиёфаларини яратишлирида ҳам услубларга эркин муносабат билдириш, уларни бирон бир аниқ мезонлар асосида чегаралаш зарур эмаслигини кўрсатувчи костюм коллекциялари сифатида намоён бўлади. Унинг коллекцияларидағи мазкур ўзига хосликлар унинг ҳозирги кун эркаклар мода саноатининг ривожига доир асосий йўналишларни белгилаб берадиганлигига сабаб бўлиб келмоқда.

Айтиш жоизки, концептуал метод ва тамойиллар асосида фаолият юритишини мақсад қилган ҳар бир ёш дизайнер аввало юртимиз ва жаҳон модаси тарихи, анъаналари, XX асрда мода соҳасининг реформаторлари сифатида тан олинган кутъюрелар ижодий фаолиятини ўрганишлари мақсадга мувофиқ.

Мисол сифатида, XX асрнинг ёрқин кутъюреларидан бири бўлган Эльза Скиапарелли ижодини келтириш мумкин. У яратган либослар ўз даврига нисбатан бир неча 10 йилликларга илгарилаб кетган концептуал тамойиллар асосида яратилган. Кутъюре ижодий концепцияларини шакллантириш жараёнида машҳур санъаткор, рассом Салвадор Дали билан коллаборациялари маълум бир маънода у яратган либосларнинг мода оламида барча даврлар учун юксак ҳисобланиб келинадиган либос тўпламлари яратишига замин бўлган (2-расм).



## 2-расм. Э. Скиапарелли яратган комтюм шакллари


Ушбу икки новатор ижодкорлар сюрреалистик принципларга хос бўлган либос тўпламларида акс этган жиҳатлар – фукси ранги (shocking pink), нашр этилган матнларни газламаларга принт сифатида тушириш ва яна кўплаб ихтиrolари замонавий мода оламида актуал бўлган концептуал тамойиллар доирасида дизайнерлар фойдаланадиган ёрқин либос намуналари сифатида аҳамиятли.

Япониялик машхур дизайнерларнинг концептуал мода шаклланиши ва ривожида ўзига хос ўринлари бор. Уларнинг 1980 йиллар мобайнида Париж Модалар ҳафталигига намойиш этган либос тўпламлари европа мода намоёндаларининг мода ҳақидаги қарашларини ўзгаришига сабаб бўлган. Р.Кавабуко, И.Мияке, Й.Ямомото сингари мутахассислар ўзларининг ноодатий концептуал ғоялари билан жаҳон модаси йўналишларининг том маънодаги инқилобини шакллантира олганлар десак муболага бўлмайди. Сабаби, улар мода оламига киритган деконструктивизм йўналиши асосидаги концептуал методлар либос функцияларининг бутунлай ўзига хос, янгича талқинини акс эттирган ҳолда мода ихлосмандларининг бу борадаги қарашларига сезиларли даражада таъсир эта олган. Масалан, ушбу дизайнерлар либос тўпламларида япон халқининг миллий либосига бўлган ўзгача

ёндошув, костюмлардаги шакл ва принт уйғунлиги, монохром ва контраст рангларининг ноодатий қўлланилганлиги мазкур либос намуналарини концептуалликни қадрлайдиган, оммадан ўзгача бўлишни истайдиган мода ихлосмандлари гурухини шаклланишига сабаб бўлган.

Шунингдек, мазкур мутахассисларнинг ўзига хос йўналиши мода оламида “япония йўналиши” деб аталадиган мода анъаналарини шаклланишига хизмат қилган. Ассиметрияга хослик, тугалланмаганлик, иллюзияга хос деталлар, метафораларга мурожаат қилиш сингари Япония халқининг фалсафасига монанд образлар юқорида номлари келтирилган санъаткор-дизайнерларнинг жаҳон мода саноатида концептуал мода анъаналарининг ilk қалдирғочлари десак муболага бўлмайди.

Хусусан, ушбу концептуал мода намуналарини миллий анъаналар ҳамда энг сўнгги замонавий технологиялар уйғунлигига яратилганлиги костюм шаклларининг ноаънанавий ва ёрқин қўринишлари сифатида талқин этиш мумкин (3-расм).



**3-расм. Р.Кавабуко. Дизайнер яратган концептуал костюм шакллари**

Миллий костюм анъаналари асосида концептуал мода шаклларини яратиш бўйича XX аср бошларида ижод қилган кутъюреларнинг ҳам салмоқли меҳнатлари бор. Хусусан, рус миллий кўйлаги (рубаха) шакли асосида ўзига хос костюм коллекцияларини Ж.Ланвен, К.Шанель, П.Пуаре, Ж.П.Готье, К.Лагерфелдлар яратганлар.

Ҳозирги кунда эса мазкур йўналишдаги концептуал ғоялар асосида Dolce&Gabbana, Kenzo, Roberto Cavalli, Valentino сингари таникли мода брендлари либос тўпламларини ихлосмандлар эътиборига ҳавола этиб келмоқдалар.

Шу ўринда юртимиз мода соҳасида ҳам концептуал метод ва тамойиллар ўзининг ёрқин интерпретациясини топган ҳолда, мазкур соҳанинг ривожида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб келмоқда. Ана шундай дизайннерлар қаторига Dildora Kasimova ва Lali брендларини киритиш мумкин. Шунингдек, ушбу тажрибали дизайннерларимиз сафига Max Fardan ва ArtAnsar брендлари остида фаолият юритаётган дизайннерларимизни ҳам киритиш мумкин. Ушбу икки дизайнер тўпламларида концептуаллик аввало либосларнинг ноодатий бичимлари ҳамда контраст ранглар гаммаси асосида намоён бўлади. Улар ўзида ёшликтининг чегараланмаган орзу-мақсадлари, индивидуалликка интилиш, оммадан ажralиб туриш каби принципларга монандликни очиб бера олганлиги билан эътиборлидир.

Dildora Kasimova брендининг либос тўпламларида эса концептуаллик миллийлик тамойиллари билан шунчалар мохирона қўлланилганки, уларни бир биридан алоҳида тасаввур

этіб бўлмайди. Шу боис, ушбу либос тўпламлари нафақат юртимиз балки, чет давлатлар мода ихлосмандларининг шахсий гардеробидан муносиб ўрин эгаллаб келмоқда (4-расм).



**4-расм. Д.Касимова яратган концептуал костюм шакллари**

Айтиш жоизки, концептуал мода намуналарини яратишида либосларнинг қиёфа яратиш хислати ва шакл жиҳатлари асосий критерий ҳисобланиб, анъанавий мода шаклларида бўлгани каби инсон жуссасининг пластик хусусиятлари ва қадди-қомати асосида шакллантиришни талаб этмайди.

Бунга мисол тариқасида юкорида таъкидлаб ўтганимиз Япония замонавий мода анъаналарини келтириш мумкин. Шу маънода концептуал мода инсон жуссасидан ташқарида бўлган костюмдаги шакл характери, ундаги ритм, ранг ва деталлар ўзаро номутаносиблиги билан ажralиб туради. Мазкур ўзига хослик концептуал мода йўналишида ижод қиласидан дизайннерларнинг экспериментал ғоялари асосида шакллантириладиган коллекциялардаги бош кийим, костюм, пойафзал ва либос аксессуарлари, соч тумаги ва макияжни ўз ичига олган маълум бир услуб доирасидаги яхлит қиёфалар хосил қилиш жараёнларини ўз ичига олади. В.Вествуд, Ж.Гальяно, Ж.П.Готье сингари машҳур мода намоёндалари либос коллекциялари айнан концептуал мода белгиларини мукаммал даражада шакллантирилгани билан мутахассислар ва мода ихлосмандлари эътиборларини қозониб келмоқда.

Концептуал мода белгилари доирасида либос шаклини ҳосил қилиш қўйидаги воситалар ёрдамида амалга оширилади. Яъни, либос дизайнери тўплам ғоясига мос ҳолда лойиҳанинг концептуал ва модификациялаштирилган йўналишларидағи амалий фаолият доирасида:

- либосларнинг концептуал мода тенденцияларидаги шакли, силуэти ва бичимини яратиш;
- инсон қоматига нопропорционал жиҳатларни ўз ичига олган концептуал мода тенденцияларида хос бўлган ўзига хосликларини аниқлаш, уларнинг умумий характеристикасини таҳлил қилиш ва чиқарилган хулосаларни шакл ҳосил қилиш жараёнларида амалга ошириш;
- либослардаги конструктив ва декоратив воситалардаги ритм ташкил қилиш қонуниятига мос ҳолда дизайн ечимлар ғояларини таклиф қилиш ва уни амалда қўллаш.

Шу билан бир қаторда концептуал мода намуналарини яратишга доир шакл ҳосил қилиш жараёнларида дизайннерлар учун муҳим бўлган яна бир жиҳат бу амалга оширилиши

зарур бўлган ижодий ва техологик вазифаларнинг уйғун ҳолдаги ечимини яратишда кўзга ташланади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, нафақат миллий анъаналар асосида яратилган либос тўпламлари, балки замонавий мода тенденциялари асосида яратилган ҳар бир либос тўплами концептуал жиҳатдан мукаммал шакллантирилган бўлса ушбу либос тўпламини муваффақиятли деб айта олиш мумкин. Сабаби, концепция доирасида чуқур ва асосли фикр юритиш малакасига эга бўлган дизайнер мутахассислари либос тўпламининг қолган жиҳатларини ҳам моҳирона кўрсатиб бера оладилар. Натижада эса, бир неча мавсумлар давомида уфда қоладиган индивидуал муаллифлик тўпламлари шакллантирилади.

Ушбу ўзига хосликларни инобатга олган ҳолда мазкур метод ва тамойиллар доирасида ёш кадрларимиз учун маҳорат дарсларини ташкил қилиш, бу борада уларга етарли даражада методологик база яратиш жараёнлари кун тартибидаги асосий масалалар сифатида аҳамиятли ҳисобланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Вейль Г. Симметрия. – М.: Мир, 1968.
2. Волевич Г. Красиво и модно: Одежда для молодожи. – М.: Молодая гвардия, 1981. – 175 с.
3. Зайцев В. Такая изменчивая мода. – М.: Молодая гвардия, 1980. – 206 с.
4. Зайцев В. Этот многоликий мир моды. – М.: Сов. Россия, 1982. – 80 с.

# МАДАНИЯТ ЧОРРАХАЛАРИ

4 ЖИЛД, 3 СОН

ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ

ТАМ 4, НОМЕР 3

CROSSROADS OF CULTURE

VOLUME 4, ISSUE 3

**Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz**

ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000